



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 163 (10.216)

2004 ЙИЛ 24 АВГУСТ

Мустақиллик медаллари

ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР ҚАД РОСТЛАДИ

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли улар тобора чирой очиб, ҳар жиҳатдан макеи юксалиб бормоқда. Айниқса мустақиллик меваси сифатида қад ростлаётган кўркам ва замонавий гузарлар кўрган кўзни қувонтирмоқда.

Ана шундай муҳташам, ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилган гузарлардан бири Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласида айни Улуғ ва азиз байрамимиз нишонланадиган кунлар олдиди фойдаланишга топширилди.

Гузарнинг очилиш маросимида Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Абсамжон Гадоёбоев, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов, туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимовлар сўз олиб, шундай кутлуғ кунларда муҳташам кошонанинг фойдаланишга топширилиши чинакам байрам эканлиги, мустақиллик йилларида маҳаллаларда олиб борилаётган ибратли юмушлар ҳақида тўхталишиб, маҳалла аҳлининг бунёдкорлик, ҳамжihatлилик йўлидаги иш-

ларида омадлар тиладилар.

— Азиз маҳалладошлар, — деди жумладан тадбирда сўз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумажид Абдуллоев, — 120 кун ичида катта куч-ғайрат, ташаббуснинг меваси сифатида барча ҳавас қиладиган кошона ишга тушди. Бу ибратли, таҳсинга лойиқ ишлар Президентимизнинг «Эндиги эътиборни эски шаҳарга қаратамиз» деган гапларининг ҳаётдаги исботидир.

Шу кунги қорасаройликлар учун катта байрам, тантана бўлди. Карнай-сурнай садолари узоқ-яқинлардан кишиларни шоду-хуррамлик сайлига чорлади. Ўзбекиминг хуз таоми — ош дамлашиб каттаю-кичикка ишлат кўрсатилди.

Шаҳноза МУҲСИМОВА
СУРАТЛАРДА: «Қорасарой» гузарининг



очилов маросимидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов
олган сураатлар.

ПОЙТАХТНИНГ бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **МИРОБОД** туманидаги 218-мактабда бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш бора-сидидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни бақариш масаласига бағишланди. Шунингдек, тумандаги «Парвона», «Наврўз», «Истиқлол» маҳаллаларида бўлиб ўтган тадбирларда ҳам жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳусусида сўз борди.

● **КЕЧ** Бектемир туман ҳокимлигида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган семинарда янги ўқув йилига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Унда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Қамалас» болалар ташкилотининг туман бўлиmlари раҳбарлари иштирок этишди.

● **БУТУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт-соғломлаштириш мажмуасида тарбияси оғир болаларнинг спортга жалб қилиш бўйича тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар бўйича комиссия, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг яқунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошқарди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Йиғилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг иккинчи қақирқ парламентнинг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш бора-сидида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракцияларидан, депутатлар блоклари ва сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклифлар тушди. Бу таклифлар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида диққат билан ўрганилиб, ҳужжатларни маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг,

ишчи гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади. Депутатларга сессия иши даврида ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шартит яратиш масалалари ҳал этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакат Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларининг, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз сиёсий институтларини изчил такомиллаштириб бориш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг сессияда муҳокама

қилиниши демократик жамиятни барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш, парламентнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ўқтириб ўтилди. Йиғилишда тегишли хизмат бўлиmlарининг ахбороти ҳам тингланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилишининг қатнашчилари амалга оширилган тайёргарлик ишлари юзасида қақирқ Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашди, деб ишонч билдирдилар.

ЎЗА

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очиловчи тўғрисида

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркиби- га қирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 24 август кунини соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси, соат 15.30 да эса «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 24 август кунини соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 25 август кунини соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

XXI сағоси

Барча мактаблардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентдаги очик турдаги «Ўзбекистончирангметалл» акциядорлик жамиятида рангли металл парчаларини қайта ишлаш ускунаси фойдаланишга топширилди.

● Фориш туманида 750 ўринли қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. 65 фан кабинети, 100 ўринли ошхонага эга янги бинода ёшларга замонавий билим бериш учун барча шарт-шароитлар жамбул.

● Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги бода Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган ёшлар спорт ва юмор фестивали бўлиб ўтди.

● Мустақиллик байрами арафасидаги Қашқадарё вилоятида тўла қайта таъмирланган журналистлар уйи фойдаланишга топширилди.

● Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Фарғона туманидаги Шохимардон қишлоғида янги спорт мажмуи куриб битказилди. Унда ёшлар белбоғли кураш, бокс, юнор-рум кураши, волейбол ва баскетбол билан шуғулланишлари мумкин.

● Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк биржасининг янги биноси очилди.

● Республика «Матнавият ва маърифат» маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган «Истиқлол ва матнавият» мавзусидаги навбатдаги учрашув Охангарон туманининг Қорахити қишлоғида бўлди. Унда қишлоқ ёшлари, оқсоқоллар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Жаҳонда

● Шу йилнинг июнь ойида истефода чиққан мамлакат бон вазири Зафарулло Хон ўзини Покистонда ўтказилган парламент сайловларида Шокат Азиз ғалаба қозонди. Азиз номзодини мамлакатнинг амалдаги президенти Парвез Мушарраф ҳам қўллаб-қувватламоқда.

● Миср ҳукумати 4000га яқин онла истиқомат қилаётган жойларда археологик қазилмалар олиб борилиши муносабати билан уларни бошқа жойларга кўчиришга қарор қилди.

● Хитой Миллий космик агентлигининг хабарига кўра, эндиликда коинотни забт этишда ҳарбий учувчилардан ташқари муҳандислар, ўқитувчилар ва олимлардан ҳам космонавтлар тайёрлаш мумкин.

● Атроф-муҳит бўйича Европа агентлиги мутахассисларининг фикрига кўра, 2050 йилда Альп тоғларидаги музликларнинг катта қисми эрийди ва бу Европа ҳудудда совуқнинг тўлалигича йўқолишига олиб келади.

Иқтисодиёт

ИЧКИ
ИМКОНияТЛАР
САМАРАСИ

Бугунги кунда ички бозоримиздаги қандолатчилик маҳсулотларининг кўплаб турлари миқдорларини мамнун қилмоқда. Харидор уларнинг нафақат кўркемлиги, сифати, ҳуштанглигини инобатга олади, балки нархини ҳам эътибордан қочирмайди.

Худди шундай харидорбон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар орасида Шайхонтоҳур туманидаги «Зулроҳ ва Тоҳир» шўба корхонаси анчагина ютуқларга эришди. 20 нафар ишчи-хизматчилардан иборат жамоа ахли унумли меҳнатлари билан бугунги кунгача 13,5 миллион сўмлик 30 хилга яқин сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди.

Россия давлатидан келтирилган замонавий, юксак самарали технологияларда тайёрланаётган «Шоколадли», «Мевали», «Шодлик», «Айём», «Кай-фият» каби ҳуштанм, мазали, чиройли безалган тортлар, майизли, ёнғоқли, асалли печенелар, шунингдек, ҳар хил ҳажм ва турдаги кўрмак, оғизда эрийдиган пирожинилар харидорлар ҳисобланади.

Корхона тadbиркорлари ички бозоримизни чуқур ўрганишлари асосида ўтган йилдан бун 3 турдаги сифатли макaron маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдилар. Хуллас, бор имкониятларидан унумли фойдаланаётган шўба корхона жамоаси янгидан-янги қандолатчилик маҳсулотлари яратиш мақсадларини кўзлаб, меҳнат қилмоқдалар.

БУЮРТМАЛАР
БАЖАРИЛ-
МОҚДА

Ҳамза туманида иш юритаётган «NOBAS TARO», Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли металл қувурлар нафақат республикамизда, балки МДХ давлатлари бўйича ҳам ҳозирча ягона ҳисобланади.

Эндигина тўртинчи йил фаолият юритаётган, 180 нафар малакали ишчи-хизматчилардан иборат корхона жамоаси ички бозоримизни рақобатбардош маҳсулотлари, буюртмаларни ўз муддатларида, сифатли бажаришлари билан харидорлар эътиборига тушмоқдалар. Шу боис ҳам жаҳон талаблари даражасидаги қувурлар ҳамда унинг таркибий қисмлари ички ва ташқи бозорда ҳам харидордир. Шу кунгача 61 километр ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 16 километри Самарқанд ва Бухорога, қолган — 45 километри эса хорижий давлатлардан Украина, Россия, Афғонистон ҳамда Қозғистон давлатларига жўнатилди.

Эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг ваэни енгил, ишлатишга қулай ҳамда 70 йилдан кўпроқ хизмат қилиши буюртмачиларга манзур бўлмоқда, асосийси эса қувур ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

(Ўз мухбиримиз)

— Бу йил халқимиз ўз Мустақиллигининг 13 йиллигини кенг нишонлайди. Ўзбекистонимиз ана шу тарихан олганда қисқа давр ичида оламшумул ютуқларга эриша олганлигини эътироф этиш лозим. Мен шахсан бир санъаткор сифатида адабиётимиз ва санъатимиз ҳақида ўз билганларимни ўртоқлашишни истайман. Мен ҳозирги Миллий театр деб аталган жамоага 1937 йили ишга олинганман. Тўғриси айтишда, бизнинг халқимиз учун 1937-38 йиллар энг

даҳшатли йиллар эди, десам бўлади. Ҳамма соҳада бўлгани каби айниқса, адабиётимизда қаттагон йиллари бошланган эди. Маълумки, ўзбек драматургиясида қалам тебратган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби бир неча адабиётимиз арбобларининг сахна асарлари, таржималари деярли ҳар кун театр сахнасида намоёиш этилар эди. Кейинчалик бу машҳур кишилар аста-секин қатағонга учраб, ҳибсга олина бошладилар. Уларнинг сахнамизда намоёиш этилган асарлари репертуардан олиб ташланди. Ҳатто уни сахналаштирган, асосий ролни ижро этганлар ҳам таъқиб остига олинганлар. Айниқса, театримизнинг ўша даврдаги бош режиссёри, биринчи театр ташкилотчиси Маннон Ҳўйғур бир неча йил қувғинда юришга мажбур бўлади. Ҳозир кекса санъаткор сифатида ўша даврларни эсга олар эканман, миллий адабиётни, миллий санъатни, умуман маданиятимизни вақти-вақти билан қувғинга учратиб туриш ўша давр сиёсатининг ҳукмронлигидан келиб чиққан бўлса керак, деб тушунаман. Бундай воқеалар уруш йиллари ҳам бир неча бор тақдорланган эди. 80-йиллардаги адабиётимизга ва санъатимизга бўлган ҳукмронлик даври яна бир неча ёзувчи ва санъаткорларимиз ҳибсга олинишига олиб келган эди. Жумладан, ҳушовоз санъаткор Муҳиддин Қори Ёқубов ҳам бир неча йил сургунда юрган. Ҳам шoir, ҳам актёр Муҳсин Ҳамидов неча бор таъқиб остига олинган. Ўзбекистон халқ артисти Жўра Тожиев ўзбек радиосидан болалар учун эшиттираётган дастурда иштирок этиб тугатгач, эшикка чиқиши билан унинг қўлига кишан солиб, терговга олиб кетишганини биламан. Театримиздаги ҳар бир тайёрланаётган репертуар албатта партия ташкилотларининг раҳбар-

лари кўригидан ўтишга мажбур эди. Ҳатто таржима асарларда сахналаштириш ҳам уларнинг рухсати билан бўлар эди. Драматургияда қалам тебратиш ҳам жуда мушкул ахволга тушиб қолган йиллари бўлган. Ёзувчи Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» деб номланган асарини сахналаштирганимизда бир неча бор турли ҳужумларга учраб, гоҳ асар сахнадан олиб ташланди, гоҳ қайта тикланди. Атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг сахнага олиб чиқилган

Бойқаро ўртасидаги кескинлик юмшатилиб, дўстликка алоҳида аҳамият берилди. Мен яратган Хусайн Байқаро образи ўз қиличини Навоийнинг оёғи остига ташлаб, «Мен сизнинг буюклигингиз олдида таъзим қиламан», дейишга журъат этади.

Ҳозир театримизда жуда кўп ёшлар ижод қилишмоқда, янги-янги ижодкор ёшлар кириб келишмоқда. Энди уларнинг ижодий репертуари ниҳоятда эркин. Менинг уларга ҳавасим келади. Айниқса, бизнинг театримиз биноси

шахсан Президенти-миз ғамхўрлиги билан қайта бунёд бўлган, шахримиз кўрмага кўрк қўшиб туриши ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Бугунги Миллий театримизнинг қандай қилиб шундай мақомга эришгани, тарихига қисман бўлса ҳам тўхталгим

келади. Ҳамза театри деб аталган ҳозирги Миллий театр биноси масаласи санъатимиз тарихида яқин 70 йил оғиздан-оғизга кўчиб келган. Ҳатто бир неча бор собиқ иттифок ҳукуматининг қарорлари ҳам чиқарилган. Аммо ушбу қарорлар ўша даврда амалга ошмаган ва оша олмас ҳам эди. Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ бизнинг театримизга алоҳида аҳамият берилди ва кўп ўтмай мана шундай шахримиз кўрмага кўрк бағишлаган Миллий театримиз Навоий кўчасида қайта қад ростлади.

Санъаткорларимизга ҳам аҳамият ўзгача десам бўлади. Деярли ҳар йили Мустақиллик байрамлари арафасида устоз санъаткорларимиздан марҳумлар ва ҳозирда санъатимиз ва маданиятимиз тараққиётига муносиб хисса қўшаётган бир қанча истеъдодли санъаткорлар давлатимиз мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Мана мендек оддий бир санъаткор ҳам бугун Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдим.

Бу менга билдирилган катта ишонч, олий мукофот, катта бахт. Бу албатта мустақиллигимиз шарофатидан. Мустақиллик деб аталмиш буюк неъматдан баҳраманд бўлаётганимиз шу бўлса керак. Албатта, биз санъаткорлар зиммасида катта шарафли ва масъулиятли вазифалар турганини биламиз. Ўйлаймизки, доим халқимизга манзур бўлиб келган Миллий театримиз жамоаси ҳали келажакда халқимизни янада руҳлантира оладиган асарлар билан ўз репертуарини бойита олади. Бунга ишончим қомил.

Мустақиллик — меннинг тақдиримда

Зиқир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ҚаҳрамониСАНЪАТИМИЗ
ДОВРУҒИ

ҳар бир асари қаттиқ тўқнашувларга дуч келарди. Айниқса, порахўрлик ҳақида ёзилган «Тобутдан товуш» деб номланган асарига ҳужум кучайиб кетди. Бу асар бир неча бор тўхта-тилиб, ҳатто унинг номини «Сўнгги нусхалар» деб қўйишга мажбур этилган. Айниқса, улуг тарихий шахсларимиз ҳақидаги асарларни сахналаштириш амри маҳол эди. Биз ҳеч қачон соҳибқирон Амир Темур ҳақида сахна асари яратишга журъат ҳам эта олмас эдик. Мана энди Мустақиллигимиз тўғрисида улуг тарихий шахслар сахна репертуарига кира бошлади. Ҳозир Миллий театримиз репертуарида Амир Темур ҳақида бир неча асарлар, Ал-Фарғоний ҳақидаги сахна асари тарихимизни беэаб турибди. Ижодимда ўзбек тарихий шахсларини яратиш бахтига муяссар бўлганман. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Хусайн Байқаролар менинг ижодимда жуда катта ўрин тутди, албатта. Маълум даврларда Хусайн Байқаро ҳақида ҳам тарихий жиҳатдан нотўғри мулоҳазалар билдирилиб унинг ҳаётини, ижодини чеклаш даврлари ҳам бўлган эди. Биз мана шу Мустақиллик йиллари даврларида Ойбекнинг «Навоий» романи асосида бир неча қисмдан иборат телестановкани тайёрладик. Шунда биз гарчи кичик бўлса ҳам муҳим бир масалани кўтаришга журъат эта олдик. Шу билан Ойбек ака-нинг романида давр тақозоси билан айтилмаган ва кўрсатилмаган бир сахнага эриша олдик. Бу ўша Навоий телестановкасидаги охириги кўринишда Навоий билан Хусайн

Эски шаҳар яшаради

ОИЛАВИЙ
ПОЛИКЛИНИКА ҚУРИБ
БИТКАЗИЛДИ

«Эл соғлиғи — юрт бойлиги», дея бежизга айтмаймиз. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида қатор ислохотлар амалга оширилди.

Янги саломатлик муассасалари бунёд этилаётгани, уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётгани аҳоли соғлиғи йўлида бажарилаётган муҳим ишлар сирасига киради. Мустақиллик байрами шодиёналари кунларида эса ана шундай тиббиёт масканларидан яна бири пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида, Сағбон қўчасида қурилиб фойдаланишга топширилади. Икки қаватдан иборат 150 ўринли ушбу оилавий поликлиника қисқа муддатларда бунёдкорларнинг шижоатли меҳнатлари эвазига қуриб битказилмоқда.

Бош пудратчи ташкилот — «Сифатқурилиш» акционерлик

жамиятининг «Чидамчилик» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари айна кунларда ерданчи пудратчилар билан ҳамжиҳатликда пардозлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини сидқидилдан бажаришмоқда.

— Қуриб турганингиздек, айна долзарб паллада ишчи-хизматчиларимизнинг сафи янада кенгайди, — дейди ишбоши Талғат Хўжаназоров. — Ишларимизни 3 сменада ташкил этганмиз. Чунки Мустақиллик байрамига оилавий поликлиникани фойдаланишга топширишга ваъда берганмиз.

Ўтган тўрт ой давомида ушбу қурилиш майдонида 150 нафардан зиёд қурувчилар меҳнат



қилиб, ўз касб маҳоратларини намоёиш этишди. Хорижий ва маҳаллий қурилиш материалларидан унумли фойдаланилди. Хоналарга, фойега хорижий ёритиш жиҳозлари ўрнатилди, металл эшик ва ромлар бино чиройи ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мухандислик коммуникация ишларини амалга оширишда, зарур сантехника жиҳозларини ўрнатишда «Шиас» фирмаси мутахассислари фаоллик кўрсатишди.

Ушбу оилавий поликлиника иш бошлагач, яқин атрофдаги маҳаллалар аҳоли саломатликлари сақлаш ва тиклаш учун барча қулайликдан самарали фойдаланишди. Малакали шифокорлар эса оилаларнинг барча аъзоларига намунали хизмат кўрсатади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: қурилиш ишлари ниҳоятда етмоқда.

Ҳакимжон Солихов
олган сурат.

Модина ИНТЕРНЕТ САЙТИГА ЖОЙЛАШТИ- РИЛДИ

Ўзбекистон Республи-
каси Банк-молва акаде-
миясининг «Молия»
нашриёти томонидан chop
этилатган китоблар му-
тахассисларда қизиқиш
уйғотмоқда. Таниқли мо-
лиячи олим Баҳодир
Ҳасановнинг «Бошқарув
ҳисоби: назария ва услу-
биёт» деб номланган мо-
нографияси ҳам тўплам
ҳолида китобхонларга
тақдим этилди.

Бухгалтерия ҳисоби
фанининг янги ва истиқ-
болли йўналишига ба-
ғишлаб босмага тайёр-
ланган бу нашрда ушбу
масаланинг қатор муҳим
томонлари ёритиб бе-
рилган. Унда бошқарув
ҳисобининг счётлари ти-
зими эса биринчи бор
илмий—амалий талқини-
ни топанлиги билан аж-
ралиб туради.

Мазкур монография
ўзининг талқинига ҳам
эга бўлди. Ушбу электрон
таҳлил материаллари
Тошкент Молия инсти-
тутининг Интернет
алоқа тармоғидаги сайтга
жойлаштирилдики, бу
ҳол ундан кенг фойдала-
ниш имконини беради.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЯХШИ СОВГА

«Инсон ва табиат» деб
номланган услубий
қўлланма босмадан чиқди.
Осиё Тараққиёт банки-
нинг кредит маблағлари
ҳисобидан амалга ошири-
лаётган ўқув адабиётла-
рини нашр қилишни та-
комиллаштириш дастури
доирасида амалга оши-
рилган хайрли иш қўпчи-
лики мамнун этди.

Унда атроф-муҳитни
муҳофаза қилишнинг дол-
зарб масалаларига оид
тадқиқотлар ўз ифодаси-
ни топди. «Инсон ва
ҳаво», «Сув—ҳаёт ман-
баи», «Ранг-баранг таби-
ат», «Инсон ва тупроқ»
сингари услубий ишлан-
малар ҳам толиби илм-
ларда қизиқиш уйғотади.

Шуниси эътиборга са-
зоворки, ушбу тўплам
халқаро маслаҳатчи
Жеймс Хайнсон тахрири
осида босма юзини
кўрди. Шунингдек, унда
Ўрта Осиё бўйича стати-
стик маълумотлар баён
этилди.

«Инсон ва табиат»
тўплами янги ўқув йили-
га мактаб ўқувчиларига
яхши совға бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

МУСТАҚИЛЛИК — БАХТИМИЗ

Мамлакатимизда аёлга, онага, опа-сингилларимизга меҳр-муҳаббат, юксак
эҳтиром кўрсатиб келинаётганлигининг ҳар доим гувоҳи бўлиб турибмиз. Сен
барбиров муқаддасан, муқаддас аёл, деб юракларни бир қадар жунбушга солув-
чи хонанданинг кўшиғида ҳам бир олам маъно бор. Аёл, она азал-азалдан му-
қаддас ва мўътабар бўлиб келган. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳа-

асиз.
Ҳинкиса мустақиллик тўғрисида
аёлларимизга бўлган эътибор ва
ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг
устувор жиҳатларидан бирига ай-
ланди. Истиқлолимизнинг илк кўн-
лариданок мамлакатимизда хотин-
қизлар манфаатларини ҳимоя
қилиш, уларнинг жамиятдаги роли
ва макomini оширишга алоҳида
эътибор берилди.

Куни кеча Республикаимиз Мус-
тақиллигининг 13 йиллиги муноса-
бати билан Тошкент шаҳар ҳрким-
лиги ва шаҳар хотин-қизлар
қўмитаси ташаббуси билан
«Мустақиллик — бахтимиз»
деб номланган тадбир ўтқи-
зилди. Унда пойтахтимиздаги
фаол аёллар йиғилиши
дидан сўбат қўйилди. Мазкур
тадбирда Ўзбекистон
Қаҳрамони, халқ шoirи Эр-
кин Воҳидов сўзга чиқиб, бар-
ча аёлларни, опа-сингилла-
римизни яқинлашиб келаёт-
ган Ўнг азият ва энг улуг бай-
рамимиз — Мустақиллиги-
мизнинг 13 йиллик тўйи бил-
ан муборакбод этди. Шун-
нингдек тадбирда шаҳримиз-
да фаолият юритиб келаётган хо-
тин-қизлар қўмиталари фаоллари,
олималар, муаллималар, маҳалла
маслаҳатчилари ва бошқалар ҳам
сўзга чиқиб, Президентимиз Ислам
Каримовнинг жорий йил 25 майда-
ги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-
таси фаолиятини қўллаб-қувватлаш
борасидаги қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида»ги Фармони ва Ва-
зирлар Маҳкамасининг мазкур Фер-
мон ижросини таъминлаш чора-тад-
бирлари дастури тўғрисидаги қаро-
ри аёлларнинг иқтисодий-сиёсий фа-
олиятини оширишга, уларнинг моддий
ва маънавий қўллаб-қувватлаш ма-
салаларида кескин бурилиш ясаган-
лиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари-
ни билдирди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг
Фармони мамлакатимизда хотин-
қизлар манфаатларини ҳар томон-

лама ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш,
уларга бўлган ҳурмат ва катта
ишончнинг яна бир намунаси бўлди.
Байрамона ўтган тадбирда Чи-
лонзор туманидаги «Тинчлик» ма-
ҳалласи хотин-қизлар комиссияси
раиси Фариди Жалилова, Сергели
туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи
хотин-қизлар комиссияси раиси Са-
ида Комилова, Юнусобод тумани-
даги «Янгибод» маҳалла хотин-қиз-
лар комиссияси раиси Мактуба Юсу-
повалар шаҳримиздаги «Энг наму-



нали маҳалла хотин-қизлар комис-
сияси раислари» деб топилиб, улар
шаҳар ҳркимлиги, шаҳар хотин-қиз-
лар қўмитаси ҳамда «Маҳалла»
жамғармаси томонидан қўматбаҳр
совғалар ва Фахрий ёрлик билан му-
кофотландилар.

Тадбирда эл севган санъаткор-
лар ижросида янраган дилбар кўй
қўшиқлар, жозибали рақслар йиғил-
ганлар қалбига бир олам кувонч ба-
ғишлади. Мустақиллик берган бахт
нашдасидан қалблари фахр-ифти-
хор туйғуларига лиммо лим тўлган,
чеҳраларида бахтиёрлик, шодлик
уфуриб турган муҳтарам аёллари-
миз билан тадбир давомида суҳ-
батлашиб, уларнинг дил сўзларига
қўлқўшди.

● **Хотима ШАЙХОВА**, Ўзбекис-
тонда хизмат кўрсатган фан ар-
боби, фалсафа фанлари доктори:

— Мана Муста-
қиллигимизнинг 13
йиллик тўйини ни-
шонлаш арафасида-
миз. Мустақиллик
бизга берилган энг олий неъмат.
Чунки мустақиллик тўғрисида эмин-
эришчилик эришдик. Тинчлик, озод-
лик ҳаммамиз учун том маънода
амалга ошди. Буни айниқса аёлла-
римиз мисолида яққол кўришимиз
мумкин. Яъни ҳар бир аёлнинг тақ-
дири Ватан тақдири билан боғлиқ.

Чунки мустақиллигининг
асосий мақсади жамияти-
мизнинг ҳар бир фуқаро-
си, айниқса, хотин-қизлар-
нинг манфаатларини ифо-
далаш ва ҳимоя қилишга
қаратилган. Мана шу мақ-
саднинг мазмун-моҳияти
Президентимиз томонидан
қабул қилинган Фармонда
ўз ифодасини топан. Фар-
монда асосий эътибор
мустақиллик шароитида
хотин-қизларнинг иқтисо-
дий-сиёсий, ҳуқуқий, маъна-
вий мавқеини кўтариш,
давлат ва жамият қуриши-
ши ишларида аёллар иштирокини
кенгайтириш, уларнинг фаолиятини
кенг имконият яратишдан иборат-
дир. Албатта аёлларга кўрсати-
лаётган бу қадар юксак ишонч ва
эътибордан руҳланиб, олдимизга
қўйилган муҳим вазифаларни да-
диллик билан ижро этиб бориши-
миз зарур деб ўйлайман.

● **Дилбар МАҲМУДОВА**,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист:
— Шунча фахр билан айтиш мум-
кинки, айниқса мустақиллик йилла-
рида аёлларимиз эъзозланмоқда,
уларга давлатимиз томонидан ғам-
хўрлик кўрсатишмоқда. Бугунги кун-
да аёллар жамиятимизда катта куч
эканлигини намоён этмоқда. Аёл-
ларни мен гўё режиссёрга ўхшата-
ман. Фақат у сўхнада эмас, оила-
даги барча-барча муаммоларни ҳал
қилиб, шу оиланинг бахтини, фаро-



вонлигини сақлаш борасида катта
ва масъулиятли вазифани бажара-
ди. Бир донишманд шундай деган
экан: «Бир аёлни ўқимишли қилиш,
бир оилани саводли қилиш дегани».
Ҳақиқатан аёл маърифатли, маъна-
виятли бўлиши зарур. Чунки у авва-
ло оила бекаси, фарзандлар тарби-
ясига масъул. Келгусида мустақил-
лигимиз давомчилари бўлган ёш ав-
лодни камол топтиришда муносиб
ҳисса қўшишлари керак.

● **Мактуба ЮСУПОВА**, Юну-
субод туманидаги «Янгибод»
маҳалла хотин-қизлар комис-
сияси раиси:

— Бугунги тадбирда «Энг наму-
нали маҳалла хотин-қизлар қўми-
таси раиси» деган номга сазовор
бўлиб, тақдирландим. Мен албатта
бундан нихоятда мамнунман. Чунки
эл-юрт ичиде, маҳаллада олиб бо-
раётган кампирона ишларим муно-
сиб тақдирланди. Келгусида бу номи
оқлаш ниятида яна ҳам ўз олди-
мизга қўйилган вазифаларни сидиқ-
дидан бажаришга, хотин-қизлари-
мизнинг барча муаммоларини ҳал
қилиш, йўл қўйилаётган хато-кам-
чиликларнинг олдини олишга ҳара-
кат қиламан. Президентимиз Фар-
монларидан кейин бахтимиз унинг
ижросини таъминлаш йўлида маҳал-
ламиз хотин-қизлари биргаликда ҳам-
жihatлик билан иш олиб боришга ки-
ришганмиз. Бугунги кунда хотин-қиз-
ларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик-
дан маҳалламиз аёллари ҳам жуда
бахтиёрлар. Булар ҳаммаси Муста-
қиллигимиз шарофатидан.

Дилорам ИКРОМОВА
**СУРАТЛАРДА: «Мустақил-
лик — бахтимиз» тадбиридан
лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган
суратлар.

Тошкент—нон шаҳри деб бежиз
айтишмайди. Кўз тегмасин иш-
қилиб, нима бўлганда ҳам бизда нон
сероб. Бозор расталарини тўлди-
риб турган гўшти, жиззали,
бўрсилдоқ нонлар, мазаси оғзин-
гизда қоладиган сутга қорилган
ширмов нонларни ким ҳам қизи-
қиб харид қилмайди дейсиз. Ма-
ҳалла ва мазеларга хусн бериб
турган новвойхоналарда тайёрла-
наётган ажабтовур тандир нонлар
ўтган-кетганининг кўзини ишнатади.
Нафақат нони, балки дони ҳам ши-
рин бўлса керакки, Тошкентнинг
донини чўқиган чумчуқ Мақддадан
қайтиб келса.

Шаҳримизда маҳсулотига яраша номи
ҳам бир-биридан чиройли нон корхоналари
кўпайгандан кўпайиб бораётганлиги айниқ-
са кувончлидир. Чинакам рақобатга кириш-
ган бу корхоналар, бир-биридан
тотли, мазали, турли ҳажм ва
турли кўринишдаги нон маҳсу-
лотларини тайёрлашадики, ҳар
қандай харидор уларни севиб
харид қилади. Мана шундай кор-
хоналардан бири Юнусобод ту-
манида жойлашган «Сунбула»
нон корхонасидир.

Қайта таъмирланиб яқинда
ишга тушган бу корхонада 70 дан
ортиқ ўз касбининг усталари иш-
лашади. Уларнинг кучи билан бир кунда 10-
12 тонна нон маҳсулотлари тайёрланиб, ҳам-
шаҳарларимиз дастурхонига тортиқ қилина-
ди. Корхона қайта тикланган, ундаги техни-
калар ҳам янгиланди. Цехлардан ўрин олган
эски автомат машиналар ўрнига янги замо-
навий текзор, девяри ишчи кучи талаб қил-
майдиган нон пишириш печкалари, хамир
қориган қрозонлари, нон узатиш линиялари ўрин
олди. Бу мўъжизакор техникалар ёрдамида
корхонада 18-20 турдаги нон маҳсулотлари
ишлаб чиқаришмоқда.

Аҳолига қўлайлик яратиш ва уни иссиқ нон-
лар билан таъминлаш мақсадида корхона
қошида мини-маркет дўконини ишлаб турибди.
Ушбу дўкондан мижозлар нафақат нон маҳсу-

Истиқомат

«СУНБУЛА»НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

лотлари, балки, ўзларига керакли бўлган бар-
ча озиқ-овқат ва сабзавот маҳсулотларига
ҳарид қилишлари мумкин.

Корхона технологи Малика Мирзаева биз-
га шундай тушунтириш берди.
— Иссиқ печка ёнида туриб нон тайёрлаш
ва унинг сифатини бирдек ушлаб туришнинг
ўзи бўлмайди. Лекин шунга қарамай новвой-
ларимиз ўз ишларини аъло даражада бажари-
шади. Улар хамир қориган тортит нон тай-
ёр бўлганга қадар ўтадиған жарёнларни диқ-
қат билан кузатиб туришади.

Корхона раҳбари Тохир Одиловнинг асо-
сий иш фаолияти цехлардаги конвейерларнинг
узлуқсиз ишлашини таъминлаш ва тайёр
бўлган маҳсулотларни ўз вақтида буюртмачи-
ларга жўнатишдан иборат.

— Мана шу икки жараёнда узи-
лиш бўлмаса қилган ишлар ўз-ўзи-
дан бўлаверди, — дейди у бизга.
— Албатта, бу ўринда маҳсулот си-
фатига бўлган эътиборни ҳам су-
сайтирмаслик керак. Чунки жамoa
ўзига топширилган вазифани қай
даражада уқдалаётгани биринчи
навбатда маҳсулот сифати билан
ўлчанади. Мана шунини назарда ту-
тиб биз барча новвойлари тан-
лов асосида ишга олганмиз.

Жамoда асосан ёшлар меҳнат қилишади.
Уларнинг фикри-қирри ҳамшаҳарларимизни уз-
луқсиз сифатли нон маҳсулотлари билан таъ-
минлашдан иборат. Шунга яраша корхонада
улар учун қўлай шароитлар ҳам яратиб бе-
рилган.

Маҳмуд ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг мини мар-
кет дўконини кўриниши ва унинг нон маҳ-
сулотлари бўлими тасвирланган.

Ҳолмат Мирзақаримов
олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
домо бўлар...

● Инсон қўлга киритган ўлкаларидан энг хайрлиси — самимий дўстдир.

● Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

● Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари дўстона муносабатлари ватанинг тараққиётига сабабчи бўлади.

● Уч нарса дўстлиқни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргаликда сайру саёҳат қилишлари.

● Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини солади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади.

● Икки дўстнинг аҳд-паймонда, меҳру вафода барқарор бўлишлари самимий дўстлик нишонасидир.

● Алишер Навоий айтди:
Айласалар икки тарафдин вафо, Етгай алар ҳолига анча сафо.

● Сўкрат ҳақим айтди:
— Дўстнинг йўлиққан вақтингда қулиб, очик юз билан қўриш, яхши сўз билан унинг қўлғини кўтар. Дўстлиқнинг бошланиши — мадҳ-сано биландир.

● Бир ҳинд донишманди айтди:
— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига, душманига душман бўлсин, душманининг дўст тугган киши сени дўст тутмайди.

● Араб фозилларидан Асмай айтди:
— Мен бир кун дўстимни қўргани бордим. Дўстим бир киши сифатлиқ палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:
— Палос ўзинга торлиқ қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан? — деган эдим, у айтди:
— Икки душман бутун ер юзига сиймайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сийа олади.

● Исҳоқ Мусилий деган фозил кўнлардан бир кун пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстнинг қанизаги қолганди. Исҳоқ Мусилий қанизани чакриб:
— Менга бир оз пул керак бўлиб қолди, хожанинг ҳаменини олиб кел, — деди. Қаниза хожанининг ҳаменини келтириб берди. Исҳоқ Мусилий дўстнинг ҳаменидан ўн сўми олиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин Исҳоқнинг дўсти уйга келгач, қаниза хожасига:
— Сизнинг дўстингиз келиб бироз пул сўради, ҳаменингизни олиб чиқиб беришимни ўтinding. Мен у кишининг самимий дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳаменингизни чакриб бердим. У ўн сўм пул олиб, чиқиб кетди. Ҳаменингизни сиздан берухта олиб чиқиб берганим учун айбиман. Айбимни кечирасиз, деб умид этаман, — деб узр айтди.

Хожаси севиниб:
— Раҳмат сенга, менинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, самимий дўстимнинг хожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени оқоз қилдим, — деб қанизақдан кўп миннатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар!

Байт:
Кори мардонларни
хўб андеша қил,
То тириксан яхши
ишни пеша қил.

"ДИРЕКТОР-2004"
АВТОПОЙГАЛАРИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган аънавий "Директор-2004" ҳаваскорлик автопойгасида ўттизга яқин спортчилар баҳс юриштилади.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, мамлакатимиз мудофааси учун маълум аҳамиятга эга бўлган спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришдан иборат. Ушбу мусобақада юртдошларимиздан ташқари қўшни мамлакатлардан ҳам пойгачилар иштирок этади.

— Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва

"Субару", "Тойота", "Пежо", "Ситроен" каби хорижий автомобилсозлик компанияларидан пойгада қатнашиш учун буюртмалар тушди, — деди "Тошшаҳарйўловчтранс" акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Тўлқин Дадабоев "Туркистон-пресс" мухбирига.

Тоғ шароитларида пойгалар камдан кам

каналнинг бир кунлик кўрсатувлари ҳажми 7 соатни ташкил этади. Бир ойлик кўрсатувлар ҳажми

лаб, шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун 2 марта рус ва 2 марта ўзбек тилида 25 дақиқадан эфир-



Нигох

«ПОЙТАХТ» СТУДИЯСИ
— ШАҲРИМИЗ ҲАЁТИ
КЎЗГУСИ

Шу муборак, муқаддас заминда яшайтган ҳар бир инсон бирон нарсасига интилади, изланади, меҳнат қилади. Кези келганда эса мазза қилиб дам олишга, чарчаган асабларига дам бериб мароқли хордиқ чиқаришга ташна бўлади. Ана шундай кезларда «ойнаи жаҳон» орқали таралаётган дилбар қўшиқ, ширин мусиқа, ўзида бугунги кунни акс эттирувчи, мунозараро мушоҳадага чорловчи кўрсатувлар жонингизга оро киради. Беихтиёр экран қаршида «михланиб» қоласиз. Жисмоний ва ақлий меҳнатдан чарчаган вужудингиз ором олади. Аниқланишча, бугунги кунда аҳолининг энг кўп қисми бутун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан айнан «ойнаи жаҳон» орқали хабардор бўлар экан. Лекин барча ёшдаги, турлича касбадаги инсонларнинг экран қаршида соатлаб ўтиришларида лойиқ кўрсатувлар тайёрлаш ҳам осон эмас.



эса 217 соатга мўлжалланган. Шундан ахборот дастурлари 22 фойз, мавзуга оид 22 фойз, сериаллар, бадиий фильмлар 45 фойз, такрорий кўрсатувлар 14 фойз, ток-шоу кўрсатуви ҳисобига олганда ойлик оригинал кўрсатувлар ҳажми 70-75 соатни ташкил этади. «Пойтахт» студияси янгилик ва ахборотлар, воқеа-ҳодиса жойидан репортажлар тайёр-

ла чикади. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий ҳаётга оид муҳим янгиликлар, шунингдек, ўз ечимини қўлайтган муаммо ва камчиликлар ҳақида «Кун мавзуси» кўрсатувида бериб борилади.

Яқин орада янги «Аёллар салтанати», «Бахтли бўлинг» каби кўрсатувларни эфирга узатмоқчимиз. Бу кўрсатувлар айнан аёллар,

давлатларда ўтказилади. Шулардан бири Ўзбекистон ҳисобланади. Мазкур пойгада Чимбойлик, Чимён, Архар каби йўл қисмларига алоҳида эътибор қаратилади. Пойгачилар автомобилни бошқаришда ўз маҳоратларини намойиш этиш билан бирга марголин русумидаги тўппончадан ўқ отиш ва сузиш машқларини ҳам бажаришади. Спортчилар учун стол тенниси ва билирд мусобақалари ташкил этилади.

Йўллардаги хавфсизликни Республика Ички ишлар ва Фавқуллодда вазиятлар вазирликлари таъминлайди. Мусобақалар 21 август кун и бошланади.

А.АРСЛОНОВ,
"Туркистон-пресс"

оила, аёлнинг жамиятдаги ўрни, аёл ва дин, аёл ва маҳалла каби қатор масалаларни ўзида акс эттиради. Бугунги кунда 10 га яқин кўрсатувлар эфирга чиқди, томошабинлар билан мулоқот ўрнатилди. Яна бир режамиз эса «Бир хат изидан» номли кўрсатуви тайёрланганди. Иқтидорли журналист Рўзибой Қўлдошев томонидан тайёрланаётган кўрсатув телеканалимизга келган мактублар асосида бўлади. Унда муаммолар телевидение орқали ёритилиб, натижалари ҳам эфир орқали кўрсатилиб бориши мўлжалланмоқда. Маҳаллалар ҳақидаги Шавкат Азизовнинг «Ҳамшаҳарлар», «Менинг маҳаллам» кўрсатувларини томошабинлар жуда яхши билишади. Яқинда яна бир кўнглочар ток-шоуга ўхшаган мусиқали кўрсатуви жонқуяр, ҳаракатчан журналист қизимиз, бўлим муҳаррири Мукаррамон Назарова тайёрлаётти. Бунда жонли эфирга чиқилди. Ассосан оила ва жамият масалаларини қамраб олган кўрсатув 300 кишилик аудиторияни қамраб олади. Ҳар бир янгилик албатта қийинчиликсиз бўлмайди. Бу борада бизга биринчи навбатда Тошкент шаҳар ҳокимлиги катта ёрдам бериляпти.

Албатта, ҳар бир жамоанинг ишда ютуқларга эришишида ҳодимларнинг ақил-инқилоби, ҳамкорлиги жуда катта аҳамиятга эга. Бу борада жуда омадлимиз. «Нигох» кўрсатувининг бош муҳаррири Мукаррамон Назарова, «Пойтахт» ахборот студиясининг бош муҳаррири Раҳматжон Бўрибоев, ўринбосар Зулфия Пулатова, Шавкат Азизов, Татьяна Шлекина, Феруза Мухамеджонова, Лазиза Носирова каби иқтидорли, ўз касбини севувчи журналистларнинг номларини ҳурмат билан тилга олсак арзийди. Яна бизда ёшларга катта эътибор қаратилган. Шартнома асосида 35 га яқин ёш, иқтидорли талабаларнинг иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ишда ўзини оқлаган, масъулиятли ёшлар сафимизни тўлдиришяпти. Бу йил улардан беш нафарини ишга қабул қилдик. Фақат ўзимиздаги эмас, газета-журналларда фаолият юритаётган журналистларга ҳам суянашимиз. Чунки уларнинг нигоҳлари биз қўрмаган, ўрганиб қолган вазиятдан янгилик топишга ишонашимиз. Хуллас, кейинги режалар, ниятлар ҳақида яна кўп гапиришимиз мумкин. Вақтнинг ўзи ҳамма нарсани саралаб қўяди. Фақат бир мақсад — бири-бирини тўлдирувчи, лекин асло бири-бирига ўхшамайдиган аjoyиб кўрсатувлар тайёрлаш, томошабин меҳрини қозониш йўлида тинимсиз меҳнат қилиш, янги-янги режалар устида изланишни ўзимиз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламиз.

Дарвоқе, шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдим, яқин ҳамкоримиз «Тошкент оқшоми» газетаси билан келгусида «Радио-телевидение-газета» йўналишида янги иккуний иш олиб боришни йўлга қўйиш арасидамиз. Насиб этса бу хайрли ният ҳам амалга ошад.

Шойра МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАР: Тошкент телеканали фаолиятиндан лавҳалар.
Ҳажимжон Солиқов
олган суратлар.

Шифобахш қисмликлар АНОР

Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқшини тўхтатади. Уни пўсти айниқса куйдирилгани жароҳатлар учун доридир.

Анорнинг ҳаммасида ҳам овқатлик оз, аммо озиқ сифатида яхшидир. Унинг нордон — ширини меъдага кўпинча олма ва бехига қараганда манфаатлироқ бўлади.

Анорнинг уруги асал билан бирга тиш огриғига ва қулоқ огриғига фойда қилади ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир. Анорнинг уругини янчиб, асал билан қўшиб оғиз огриғига суртилса, фойда қилади.

Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган суви-ни асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, қўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади.

Нордон анор кўкрак (ва томоқни) дағаллаштиради, ширини эса уларни юмшатади ҳамда кўкракни қувватлантиради. Аммо уругини ёмғир суви билан қўшиб ичирилса, қон тупуришда фойда қилади. Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади.

Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади.

Иситмалаган киши анорни овқатлангандан кейин сўриши керак.

Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради, умуман иккаласи ҳам сийдик ҳайдовчидир.

БОДОМ

Аччиқ бодом озиқ эмас фақат доридир. Ширин бодом эса озиқлантиради, у яхши озиқдир, аммо кучли озиқ эмас.

Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонтолаш офтобдан қорайишга қарши қўлланади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Ширин бодомни ейилса, семиртиради.

Қулоқнинг огриши ва гувуллашида фойда қилади, айниқса аччиқ бодомнинг ёғи ва унинг шундайлигича янчилгани фойда қилади.

Агар бодом дарахтининг ялдизини майда туйиб, сирка билан, ё гул ёғи билан қўшиб, пешонага қўйиб боғланса, бош огриғига фойда қилади, аччиқ бодомнинг ёғи ҳам шундай. Кўриш қувватини кучайтиради.

Аччиқ бодом бугдой крахмали билан бирга қўшиб ишлатилганда қон туфлашга, қўзма йўтал, астма ва зотилжамга фойда қилади. Туялган бодом йўтал ва қон туфлашда фойдалидир.

Азизлар, келинг бу улуг сифатнинг қароматини фақат пурмаъно сўзлар билан эмас, балки, амалда кўрмоқ ниятида ўзим гувоҳ бўлган ва эшитган бир неча жонли мисоллар билан бойитайлик.

Тошкент шаҳрининг Чақар даҳасида Азимжонқожининг тўнғич ўғли, «қори» номи олишга муяссар бўлган ажойиб йигит яшаган. У умр йўлдоши билан биргаликда бир қиз, икки ўғилга ота-она бўлишди. Бедаво ўлим унинг завжиясидан айирди. Йиллар ўтди, қариндошлар она меҳрига зор мурғак фарзандларга волидалик ўрнини боса оладиган, йигит фазилатларига мос оқила аёлини суриштиришга тушдилар. Қўшни «Қамолон» даҳасининг мулла Рихсимухаммад оиласидан орзу қилинган хусусиятларга эга бўлган отин аёлдан дарак топдилар. Тақдирнинг ўхшашини қарангки, бу боқира, асифа жувон ҳам эрининг вафотидан сўнг икки қизчани тарбиялаётган экан. Икки тараф ризолик бергач, узукка кўз қўйгандек иш бўлди...

Мазмунли ва ибратли умр давомиди улар беш фарзанд (уч қиз, икки ўғил) кўриш бахтига муяссар бўдилар, энди зурриётларининг жами 10 нафарга етди... Ота-она фарзандларининг барчасига тенг меҳр кўзи билан боқдилар, уларни меҳр нури билан иситдилар. Фарзандлар ота-она меҳрига ташналикни асло сезмадилар. Улар ака-ука, опа-сингил бўлиб, иноқ улгайишди. Оила бошлиқлари оила аъзоларининг аҳиллигини таъминлабгина қолмай, балки аввалги турмушларининг барча қариндош-уруғлари билан ҳам алоқани мустақамлаб бир-бирларига меҳр ришталарини уладилар, мурувват улашдилар... Оқибатда катта бир авлод барпо бўлди.

Йиллар ўтди, ота-оналар ҳам ўтишди, аммо авлод уларнинг васиятларининг амалларига содиқ бўлиб яшамоқда. Бу борада айниқса оиланинг ўрта авлодига мансуб ўғил — Аҳмаджоннинг хизматлари беқиёс бўлди. Ота вафот этган пайтда у талаба эди. Оилани бошқариш юқини елкасига олгач, ўқилиш давом эттира олмади, ёш бўлса ҳам катта оиланинг ҳаёт йўлига сарбонлик қилди. Мухтасар қилиб айтганда умрининг охиригача авлоднинг барча аъзолари ҳурматини келтирди, уларни ўзининг оиласининг шахсий манфаатидан юқори қўйди, улардан меҳнати ва муруватини аямасди. Айрим ноаҳил оилалар ишлатадиган «ота бир...» каби атамаларга ўрин қолдирмади. Ўта донишманд, ниҳоятда покиза, номи абадий барҳаёт бу инсоннинг олийжаноб фазилатларини барча

ҳали ҳануз тўлқинланиб эслайди.

Юқорида ҳикоя қилган авлод жуда оғир вақтда, қийинчилик, йўқчилик шароитларида вуждатга келган. Аммо қандай муаммо бўлмасин иссиқ «меҳр» уни енгган, устун келган.

Гоҳо ажабланим, ёқа ушлайман, аста-тадриулоҳ деган калимани келтираман. Нима учун тўқинчилик замонда одамлар бир-бирларига эмас, аксинча кўпроқ мол-давлатга, ортиқча орзу ҳавасларга меҳр қўймоқдалар? Нега меҳр қаҳрга айланмоқда? Балки шунинг учун ҳам айрим кимса-

мил...

Бир маҳаллада девор-дармиён қўшиллар яшар эканлар. Ҳотамбек номли хонадон соҳиби ўзига анча тўқ. Ҳаж сафарига таратдул қўрар эди. Иккинчи қўшнинг исми Ғулум бўлиб, анча фақир ҳаёт кечирар, аммо борида шўр қилиб ҳеч кимга нолимасди. Қўшларнинг бирида Ғулумнинг аёли тандирда сомса ёпибди. Таомнинг ҳушбўй ҳидидан Ҳотамбекнинг хотини илҳақ бўлиб бир донга сомса туҳфа этишларини сўраб қўшинсиникига одам чиқарибди, аммо рад жавобини олибди. Бундан

қаттиқ ранжиган аёл воқеани эрига айтибди. Ҳотамбек алам ва киноя билан қўшниси Ғулумга: «Озиб-ёзиб хотинимнинг кўнгли сенинг сомсанга туссаб қолди, бир донга берсанг қамайиб қолармиди? Керак бўлса оғзинга сиққан ақчини берардим», — деб қойибди. Шунда Ғулум: «Тақсир, бир ойдан бери болаларим оч, қаттиқ нон тановул қилишди. Уларнинг оху-зори қорғим-

ни эзиб юборгач, ноилж кеча жарада ётган ўлик қўнчқоннинг гўштидан тановул қилиб таом тайёрладик. Бу гўшт ҳаромни ҳалолми Худо билади, шу сабаб ҳомиладор аёлинингизга бунни раво кўрмадим», — деб жавоб берибди. Бу сўзларни эшитган Ҳотамбек ноқулай аҳволга тушиб қўшинсидан узр сўрабди ва: «Мен Ҳаж қилиш орузида эдим. Асли Ҳаж сабои ёнимда экан-ку», — деб ҳаж учун тўлганган барча жамғармасини қўшинсига берибди. Ҳикоя қилишларича Ҳотамбекнинг бу мурувати учун давлати бундан ҳам зиёда, Ҳаж эса гойибдан қабул бўлган экан. Бу ривоятни эшитиб, жаноби Расулulloҳнинг «Қўшинсини фалокатлардан ҳимоя қилмайдиган одам иймонсиздир», — деган башоратлари ёдимга тушди.

Азизлар! Меҳр хусусида сўнгсиз сўзлаш мумкин. Унинг мавзуси бой ва ниҳоятда чексиздир. Меҳр асли қалбнинг нуҳаси, кўзгусидир. Бу кўзгунин доим мусофҳо сақлайлик, унинг ҳури тортишига асло йўл қўймайлик. Зеро, инсондан мерос бўлиб яхши ном ҳамда меҳр ва муруват қолади. Келинг, сеvimли ширинимиз Эркин Воҳидов айтганларидек, «Бир-биримизга меҳрли бўлайлик, бир-биримизни кўрганда қувониб, кўрмаганда соғиниб, соғинганда эса йўқлаб юрайлик».

Меҳр — биллурдек тоза, қўнғил кўзуси, Соғуқ нафас қилманг тортишсини хира. Майлига, тарк этсин ёшлик, куч-қувват, Аммо меҳр қолсин, қаримай сира.

Шукур ДАДАШ

Қадриятларимиз

МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР...

Меҳр. Бу илоҳий неъмат танҳо олий зот — инсонга нисбат этилган. У қалб кўзуси, инсоннинг инсонийлигини аниқлашнинг воситасидир. Меҳр туйғули олам барпо бўлди, меҳр сабаб башар яралди. Унинг мезони ҳам, баҳоси ҳам йўқ. У беминнат, ҳолис, муқаддас бир фазилатки, ким унга ошно бўлса у «олийжаноб» деган унвонга сазовор бўлади. Унга дил тўридан жой берган одам ўта инсофли, раҳмдил, иймонли бутун, виждони пок ҳисобланади. Меҳрдан муҳаббат туғилади. Раҳмдиллик, саҳийлик, мурувват каби ҳислатлар унинг ажралмас аъзо-

ларнинг сўқир қалб кўзини очмоқ ниятида 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб номланганмикин?

Бир «бойвачча»ни биламан. Ҳар йили Наврўз айёмида Меҳрибонлик уйига мурувват кўрсатади. Ибрат сифатида унинг номи матбуотларда ёзилди, сиймоси зангори экранларда намоиш этилади. Ваҳоланки, бир неча йилдан бери тўшаққа михланиб ётган қондош укасининг моддий ёрдамга муҳтож эканлигини наҳотки у бе-хабар? Наҳотки, жигарбандининг аҳволи унинг «реклама» учун баҳшида меҳрини юмшата олмаса? Ҳалиш шарифа «Кимки ризқим улуг, умрим узок бўлсин деса, қариндош-уруғларига меҳр-муруватли бўлсин», — дея бежиз айтилмаган. Минг афсуслар бўлсинки, ака-укалик меҳри ўрнига манманлик, мурувват ўрнини «сендан ўзиман» широри оҳиз қилбларини забт этмоқда. Бир қориндан таллашиб тушган инсонлар, бир умрга бир-бирлари билан дўстлик аҳду паймон қилганлар, ёхуд бир идорада, бир хонада ўтириб умрининг сўнгигача меҳнат қилган кишилар бўлиши мумкин. Лекин улар ўртасида меҳр бўлмаса бир-бирларига «ҳеч ким» бўлиб қолаверадилар.

Ҳайриятки, жамиятимизда бу каби шахслар уммондан бир томчи эканлиги кўнгилга таскин бахш этади. Ҳаётда иймон, эътиқод собит инсонларнинг қилаётган амалларини кўриб, тасаннолар ўқийман. Бу борада бир уламоннинг менга сўзлаб берган ибратомуз ривояти барча учун ҳаётини сабоқ бўла олишига иймоним ко-

Мана беш йилдирки, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бу йил ҳам ўзига хос тарзда, кўтаринки руҳда ўтди. Мухташам Халқлар Дўстлиги саройида халқимиз кўз ўнгиде бу йилги «Ниҳол» совриндорлари аниқланди.

Мамловлар

«НИҲОЛ» — БЕШ ЁШДА!

Дастлаб совриндорларимизни қутлаш учун саҳнага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳайриддин Султонов ҳамда Республика Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи Фаррух Зокиров чиқибди, ёш истеъдодларни қутлаб, ўзларининг самимий дил сўзларини билдиришди. Сўнгга кечанинг асосий қисмига ўтибди. Хаяжонли ва унутилмас дақиқалар ичида бу йилги илк «Ниҳол» совриндорларини аниқлаш учун саҳнага Ўзбекистон халқ артисти Абдуқошим Исмоилов тақдир қилинди. Иштирокчиларнинг гулдўрос қарсақлари остида биринчи совриндор аниқланди. Саҳнада ёш хонанда Дилафрўз Аҳмедова-

нинг исми жаранглади. Совриндорга «Ниҳол» мукофоти ҳамда Фахрий ёрлик топширилди. Сўнгга томошабинларнинг олқишлари остида биринчи кетин совриндорлар саҳнага тақдир этилди. Санъатимизнинг ёш нихоллари — Лола Аҳмедова, Павел Уронов, Улугбек Юнусов, Дилноза Исмиёминова, Феруза Жуманиёзова, Шерзод Давронов ҳамда Гусанам Мамазоитовлар тантанали равишда «Ниҳол» мукофоти билан тақдирландилар.

— Албатта, совриндорларни аниқлаш осон кечмади, деди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров. — Сақсонга яқин номзодлар ижоди синчковлик билан ўрганилиб, шулар орасидан энг сарала-

ри ҳайвот томонидан аниқланди. Мен шу ўринда барча мукофотланганларни яна бир бор табриқлайман, уларнинг келгуси ижодларида юксак парвозлар тилайман.

Тадбир давомида «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг бундай ҳаяжонли дақиқалардаги дил сўзларини биллиш мақсадида уларни суҳбатга қорладик.

● Лола АҲМЕДОВА:

— Биласизми, исим саҳнада айтилганда ҳаяжондан қулоқларимга ишонмай қолдим. Албатта, бундай юксак мукофотни олиш учун илк марта саҳнага чиқишим. Айни дамда ҳаяжондан, қувончмни сўз билан ифода эта олмайман. Аммо шуни яхши биламанки, бу мукофот

менга бундан-да яхши қўшқилар яратилишига илҳом бағишлайди.

Феруза ЖУМАНИЁЗОВА:

— Ҳозирги дақиқалар мен учун унутилмас онларга айланишни юракдан ҳис этиб турибман. Биласизми, мен жудаям хурсандман. Чунки бундай юксак мукофот ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу ўринда барча «Ниҳол» совриндорларининг ҳам самимий қутлайман.

Гусанам МАМАЗОИТОВА:

— Менга берилган бу мукофот — ижодимга берилган баҳо деб биламан. Бунга ҳар доим лойиқ бўлиб қолишга, шунингдек, санъат сирларини чўқур эгаллашга ҳаракат қиламан.

Совриндорларни табриқлаш учун таширф буюрган 2000-2003 йилги «Ниҳол» совриндорларининг куй-қўшқилари «Томоша» болалар гуруҳининг ажойиб чиқишлари йиғилган-ларнинг дилларига кўтаринки кайфият бахшида эъди.

(Ўз муҳбиримиз)

Спорт

ШАҲАР
КУБОГИДА
БЕЛЛАШИШДИ

Бўзсув каналнинг Бешёғоч даҳасидаги қисмида академик эшак эшиш бўйича Тошкент шаҳар Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда эшак эшиш федерациясининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилиб, икки кун давомида ўтказилган мусобақаларда шахримизнинг Касаба уюшмалари спорт жамоаси, 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Республика Олий спорт маҳорати мактаби, МХСК, Ёшлар спорт клублари вакиллари билан бир қаторда Қўзғошқондан ташқир буюртма 9 нафар спортчи, жами 92 нафар эшак эшувчи голибни аниқлаш мақсадида кураш олиб борди.

Шундай қилиб, натижалар сарҳисобидан сўнг энг кучлилар аниқланди. Жумладан, Ирина Юматовна, Галина Кожевникова, Андрей Николаев, Алексей Наумкин, Ирина Наумкина (ҳаммаси шаҳар Касаба уюшмалари спорт жамоасидан), Элсан Шаменов (23-БЎСМ) Иван Мянкий (Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини спорт клуби) ҳурмат шоҳулмасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Голиб ва совриндорларга шаҳар спорт қўмитаси ва эшак эшиш федерацияси шаҳар бўлими томонидан ажратилган қўimmatбўх соғвналар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

ПОЙТАХТ
ЖАМОАЛАРИ
ФАЛАБАСИ

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 15-тур баҳслари шахримиз жамоалари муҳлислари кўнглини хушнуд этди.

Чемпионат пешқадами «Пахтакор» бу сафар Бекободда «Металлург» жамоаси билан ўзаро кўн си-нашди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, тўпни ўзида узокроқ ушлаб туриш, тезкор ҳужум уюшти-риш борасида мезбонлардан устун-лик қилган тошкентлик футболчи-ларнинг ҳаракатлари зое кетмади.

Биринчи бўлимининг 24-дақиқаси-да Кошелев, 26-дақиқасида Гочу-лев томонидан дарвозага киритил-ган иккита гол учрашув охирига қадар 2:0 ҳисобининг ўзгармасли-гига имкон яратди.

Жорий йилги мавсумда анча ишончли ҳаракат қилиб ўз ғалаба-лари билан муҳлисларига заъв ба-ғишлаган «Трактор» жамоаси ўз майдонида «Самарқанд-Динамо» футболчиларини 2:0 ҳисобида эн-ги бўл муҳим уч очкога эга бўлди. Ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этган тракторчилардан 39-дақиқа-да Айзатулов, 72-дақиқада Соло-минлар рақиб дарвозасини аниқ нишонга ола билишди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Қизилқум» — 3:2, «Бухоро» — «Сўди-ёна» — 1:2, «Навбахор» — «Машнал» — 1:0, «Сурхон» — «Нефтичи» — 1:2, «Ло-комотив» — «Андижон» — 3:2.

Навбатдаги 16-тур беллашува-ри 28 августда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

АТ «Алоқабанк»нинг 3-сонли 00401 код рақамли штампини йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

— Мамлакатимизда ўткир респираторли вирусли ин-фекциялар бўйича (ЎРВИ) ва грипп бўйича эпидемиологик барқарорлик сақланиб ту-рибди. — дейди Ўзбекистон-нинг Бош давлат санитария ва-зири ўринбосари Бахтиёр Ниёзматов. — Жорий йил-нинг олти ойида аҳолининг касалланиш кўрсаткичлари ўтган йилдагидан ошмапти. Шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, дунёда «гайриоддий зо-тилжам» ва «парранда» гри-ппи биринчи марта пайдо бўлганидан бери Ўзбекист-онда бирорта ҳам касалла-ниш ҳолати қайд этилмади. Шунга қарамай, текшириш давомида давсанэпидназорат мутахассислари ўшбу инфе-кцияларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг етарли эмаслигини аниқла-ди. Назоратни эса кучайти-риш лозим, чунки гриппнинг контагиозлиги юқори, тез тар-қалади ва касалликдан сўнг оғир асоратлар қолдиради. Айниқса, болалар ва қария-лар унга кўп чалинади.

Шу сабабли биз вазирли-лар, идоралар ва вилоят ҳокимликларига тахминлар ва дунёда кузатилаётган ва-зиятни инобатга олиб, ЎРВИ ва гриппнинг турли шаклла-рига қарши курашининг аниқ чораларини ишлаб чиқишни тавсия этдик. Жойларда дав-санэпидназорат марказлари буюртмасига кўра аҳоли ва биринчи навбатда касалла-

Саломатлик

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ
ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2004-2005 йиллар киш ва баҳор фаслларида кўп мамлакатларда грипп эпидемияси кутилмоқда. Бундан ташқари, дунёнинг баъзи минтақаларида ҳали яхши ўрганилмаган «парранда» гриппи ва «гайриоддий зотил-жам» ҳоллари учраб турибди. Шу муносабат билан Ўзбе-кистон Республикаси Бош давлат санитария ва-зири бун-дай инфекцияларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбир-ларни кучайтириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

ниш хавфи юқори гуруҳга ки-рувчи шахсларни эмлаш учун етарли миқдорда вакциналар сотиб олиш учун маблағ аж-ратилиши керак. Барча таш-килотлар ўз идоравий объек-тларини куз-киш мавсуми шароитларига тайёрлаши ва иситиш тизимларининг ўз-луксиз ишлашини таъминла-ши зарур. Бунда даволаш-профилактика, ўқув-тарбия муассасалари, шу жумладан меҳрибонлик уйлари, интер-натлар, қариялар уйлари-нинг аҳолига алоҳида эъти-бор бериш лозим.

Соғлиқни сақлаш органла-ри, «Дори-дармон» давлат-акционерлик уюшмаси ва давсанэпидназорат марказ-ларига ҳам тегишли кўрсат-малар берилди. Хусусан, ЎРВИ, грипп ва шунга ўхшаш вирусли инфекциялар тарқ-алиши кучайган пайтда тана ҳарорати юқори беморларга уйларида тиббий ёрдам

кўрсатилиши керак. Бунинг учун тиббий муассасалар ҳузурида махсус гуруҳлар ту-зиш ва уларни автотранспорт билан таъминлаш зарур. Ста-ционарларда қўшимча жой ажратилади ва оғир касаллар-ни даволаш учун дори-дар-монлар захираси яратилади. Республиканинг барча дори-хоналари гриппга қарши дори-дармонларга эга бўли-ши керак — бу нарсга назо-рат остига олинган. Бундан ташқари, эпидемик мавсум-да узлуксиз ишлайдиган до-рихоналар сонини кўпайти-риш кўзда тутилган. Сани-тария-эпидемиология хизмат-лари ҳам махсус тартибда ишлайди. Улар ишлаб чиқа-риш ва ижтимоий муҳим объек-тлар, коммунал хизмат соҳасида ва жамоат транспор-тида эпидемияга қарши ва дезинфекция тартибларига риоя этилиши устидан назо-ратни кучайтиради. Вирус-

логик лабораторияларни гриппга ташхис қўйиш ва ўрганиш учун зарур реактив-лар ва тест-тизмилар билан таъминлаш чоралари кўри-моқда.

Соғлиқни сақлаш вазири буйруғига мувофиқ респу-бликанинг етакчи мутахассис-ларидан махсус бригадалар тузилган. Улар ҳудудларга бириктирилган бўлиб, маҳал-лий соғлиқни сақлаш орган-ларига профилактика ва эпи-демияга қарши чора-тадбир-ларни ўтказишда амалий ва услубий ёрдам беради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги-нинг ўзида ҳамда Қорақалпо-ғистон, вилоятлар ва Тош-кент шаҳри давсанэпидназо-рат марказларида грипп бўйича эпидемияга қарши штаблар ташкил этилган. Улар ҳозирдан ошмади, лекин аҳоли орасида ка-салланиш кўпайганида туну кун иш олиб боради, жойлар-дан ахборот тўплайди ва тах-лил қилади, жойлардаги иш-ларни мувофиқлаштиради.

Яна бир таъкидлашни ис-тардимки, республикамиз аҳолиси ташвишлигини учун ўрин йўқ. Бироқ, совуқ туш-ганда турли вирусли инфе-кцияларнинг навбатдаги «ҳужуми» биз учун кутилма-ган ҳол бўлмаслиги учун бу-гундан оқ тайёргарлик кўриш ва уларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш лозим.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбириҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН
ГАПЛАР

• Бировга битта гапни эплаб айтилмайдиган Пошшахон бора-бора гапга тўн кийдирадиган бўлиб қолди.

(Қўни қўшнлар гийбати)

• Аллоҳга беадад шукри, ма-ҳалламизда биров милтиқ кўта-риб юрмайди.

(Маҳалла йигинидаги гап)

• Юқори қўшимизнинг томи кетиб қопти.

(Қўп қаватли уйда яшовчи қўшнлар гийбати)

• Инсон эсини танибдики, ор-зулар қанотиде яшайди ва шу умидда ўлиб кетади.

(Машхур нотик маърузасидан)

• Тонг ҳали оқармаган. Йўл че-тидаги тут дарахтлари худди дала қоровулига ўхшайди.

(Ҳаваскор қаламқаш лавҳасидан)

• Қани энди мен ҳам Умаржон-

нинг бошини иккита қилиб, тўрт қават кўрпача устиде ўтирсам!...

(Бўлажак қайнона ораси)

• «Қиёмат»ни топиш қиёмат бўлиб кетди.

(Талабалар сўхбатидан)

• Қани энди мен ҳам Сайёра-хонни телевизорда бир кўрсам!

(Ошиқ йигитнинг ўй-хаёли)

• Ердан таралаётган хушбўй хиддан улар ҳам ошиқ чўпон каби маст эдилар.

(Еш қаламқаш машкидан)

• Дунёни ўткинчи дейдилар, бекор гап, аксинча, ўзимиз ўтиб кетамиз.

(Қариялар гурундин)

• Ғўзининг тепасида соатлаб термулиб турган билан кўрак ти-шининг оқини кўрсатмайди. Унга фақат офтоб иссиғи, мутгасил парварши керак!

(Раиснинг деҳқонга танбеҳи)

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Хўжалик юришувчи субъектлар
раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар
диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-лаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органла-ри томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги те-лефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Қаққа

РАПСНИ
БИЛМАЙСАНМИ?

Ҳожибой бир таниш колхоз раисини марказда учратиб қолибди. Ҳаддан зиёд семиз, бесўнақай бу одам пишиллаб, пешона-сидан тер қуйилиб тур-ганмиш. Ёнида колхоз кассири ҳам бор.

— Раис ака, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? — сўради Ҳожибой.

— Эй-й, нимасини ай-тай... — елиниб жавоб берди раис. — Ўзинг би-ласан-ку, қачонлардан бери гўшт пилонини ба-жаролмаймиш. Шунга...

беш-ўн мошин рапс ор-тиб келувдик. Бу ерда уни гўштга овуштирдик.

— Ие, рапс деганингиз нимаси?

— Шуниям билмайсан-ми, лодон? Бу ахир мол ейдиган зўр ўт-ку!

— Энди нима қилиб ту-рибсизлар?

— Кўп эзмаландинг-да, масхара. Идорага тилиг-ром жўнатмоқчимиз. Иш битди, уч-тўрт кун айла-ниб қайтамиз, хавотир ол-манглар, деган мазмун-да. Кел, яхшиси, шу ти-лигромни ўзинг жўнатиб бер.

Ушанда Ҳожибойнинг тилигромни колхозга шун-дай етиб борибди:

«Раисни гўштга топ-ширдик, план тўладиган бўлди».

Қарангки, «рапс» сўзи-

даги битта харф алмашиб қолган экан.

АМАКИСИДАН
ҚЎРҚДИ

Бир таъмагир амалдор-дан биттагина маълумот-нома олиш учун Ҳожибой ҳафталаб югурди. Ахйри тоқати тоқ бўлиб, унинг ҳузурида янгини тутамла-ди:

— Ҳап сеними! Ҳозирок тўғри бориб, ўша амаки-га устингдан арз қилма-сам, Ҳожибой отимни бо-шқа кўяман!

У эшикни тарақлатиб ёлиб чиқиб кетаркан, ха-вотирга тушиб қолган амалдор котиба орқали уни дарҳол йўлдан қай-тарди.

— Бунча бетоқатсиз! Котибага буюрдим, маъ-лумотномангизни олиб кетинг...

Орадан беш-ўн кун ўтиб, иккови кўчада учра-шиб қолишди.

Амалдор Ҳожибой би-лан қуюққина сўрашиб, кейин қўшиб қўйди.

— Амакингиз яхши юриптиларми?... Бизни таништириб ҳам қўйма-дингиз...

— Ие, ие, амакимни ҳали танимайсизми?! — ажабланган бўлди қизқич-чи. — Бир идорада бирга ишлаб туриб-а!

— Ҳайронман... Ким эдилар у муҳтарам зот? — бўлди амалдор.

— Ким бўларди, ўзин-гизда қорувол бўлиб иш-ловчи Тошмат банги-да!



Муассаси:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ объект
устуни босилган.
2812 нускада босилди. Қўни бичим А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бонхазасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба,chorshanba,
пайшанба ва жума кўнари чиқади.
Нашр қўйилган — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.